


◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёевнинг** Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев билан** 1 май куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида олий даражадаги келишувлар ва йирик кооперация лойиҳаларининг амалга оширилиши муҳокама қилинди. Сўхбат чоғида Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Шавкат Мирзиёевни жорий йил 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича референдум муваффақиятли ўтказилгани билан чин дилдан қутлади.

1 май куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров** Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёевни** Конституция бўйича референдумнинг муваффақиятли натижалари ва ушбу тадбир юксак халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этилгани билан табриклади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 1 май куни Конституция бўйича референдумни қузатувчилар миссияси бошчилигида мамлакатимизда бўлиб турган Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги бош котиби **Сергей Лебедевни қабул қилди.**



Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг «**Давлат қарзи тўғрисида**»ги қонунини имзолади. Қонун билан давлат органларининг давлат қарзини бошқариш соҳасидаги вазоклатлари белгиланди. Унга кўра, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги давлат қарзини бошқариш соҳасидаги вазоклатли орган ҳисобланади.



Президент томонидан «**Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги қонун имзоланди.



Ҳукумат қарори билан «**Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида**»ги низом қабул қилинди.



25-29 апрель кунлари Қирғизистоннинг Боткен шаҳрида Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари делегацияларининг учрашувлари бўлиб ўтди. Қирғизистон ҳукумати матбуот хизматининг хабар беришича, музокараларда учта давлат чегаралари кесилган нукталарга аниқлик киритиш масаласи бўйича фикр алмашилган.

## ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНING АМАЛИЙ ИФОДАСИ

**2023 йил 30 апрель куни «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум бўлиб ўтди.**

**Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим бу сиёсий тадбирда юртдошларимиз фаол иштирок этиб, юрт келажакига бефарқ эмасликларини яна бир бор намоиш этишди.**

### ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУЧГА КИРДИ

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни тарихда илк бор 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинди.



2,3-саҳифаларда ўқинг



Самарқанд вилояти

### Параканоз мусобақалари:

## ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ

Самарқандда ёшлар ўртасида эшак эшиш ва катталар ўртасида параканоз бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионати ўз ниҳоясига етди. Мусобақада дунёнинг 11 мамлакатидан келган 400 нафардан зиёд спортчи қитъа чемпионлиги учун баҳс олиб борди. Яққалик ва жамоавий баҳсларда 80 нафардан зиёд спортчи юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Тезкорлик ва маҳорат бобида мамлакатимиз ёшлари ўзларини кўрсатишди. Энг мурасиз баҳслар аввалига Эрон, кейинчалик Қозоғистон терма жамоаси билан кечди.

Чемпионатнинг илк кунда 6 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси яққол пешқадамга айланди. Умумжамоа ҳисобида 26 та олтин, 12 та кумуш ва 10 та бронза медалга эга чиққан юртимиз спортчилари Осиё чемпионлигини қўлга киритишди. Қозоғистонлик спортчиларга иккинчи, эронликларга эса учинчи ўрин nasib этди.

Эришилган ютуқларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги болалар ва ўсмирлар махсус спорт мактаби спортчилари ҳам салмоқли ҳисса қўшишди. Касаба уюшмалари спортчиларидан жами 18 нафари ғолиблар сафидан ўрин эгаллашди. Қўлга киритилган 10 та олтин, 6 та кумуш ва 2 та бронза медал мамлакат терма жамоасининг мулақ ғалабасига мунособи улуғ бўлди.



– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанд туманидаги каналда Осиё чемпионатида ҳар тарафлама катта тайёргарлик спортчилари ҳам салмоқли ҳисса қўшишди. Касаба уюшмалари спортчиларидан жами 18 нафари ғолиблар сафидан ўрин эгаллашди. Қўлга киритилган 10 та олтин, 6 та кумуш ва 2 та бронза медал мамлакат терма жамоасининг мулақ ғалабасига мунособи улуғ бўлди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанд туманидаги каналда Осиё чемпионатида ҳар тарафлама катта тайёргарлик спортчилари ҳам салмоқли ҳисса қўшишди. Касаба уюшмалари спортчиларидан жами 18 нафари ғолиблар сафидан ўрин эгаллашди. Қўлга киритилган 10 та олтин, 6 та кумуш ва 2 та бронза медал мамлакат терма жамоасининг мулақ ғалабасига мунособи улуғ бўлди.



### Спорт

жиев. – Бу эса ўз натижасини берди.

– Мамлакатимизда барча спорт турларига эътибор кескин ўзгарган, – дейди чемпионат совриндорларидан бири Шаҳзода Мамадалиева. – Терма жамоамиз Осиё чемпионатларида кўп бора ғалаба қозонган. Самарқанддаги баҳсда ҳам барча рақибларни ортда қолдирдик.

– Самарқандда учинчи бор бўлишим, – дейди Қозоғистон терма жамоаси мураббийларларидан бири Давлат Султонбеков. – Илгари спортчи сифатида бу сув ҳавзасида сузганман. Ушанда ён атроф дала-дашт эди. Тўғриси, кўзларимга ишонмаяпман, ўзгариш жуда катта. Қардош спортчиларга яратилган шaroитдан ҳавасдамиз.

– Шогирдим Лочинбек Эсоналиев билан ҳақли равишда фахрланаман, – дейди касаба уюшмалари спорт мактаби мураббийи Насриддин Холиқов. – У кўрсатмаларимга амал қилиб, кучли рақибларини доғда қолдирди. Бугун кўксидан олтин медаль порлаганидан хурсандман.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик асосида ўтган чемпионат иштирокчиларда бир олам таассуротлар қолдирди.

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»



**Азиз газетхонлар!  
Сизга «Ishonch»  
газетаси  
ўз вақтида этиб  
боряптими?  
Бу борада  
муаммолар  
бўлса,  
телеграмдаги  
«Муштарий  
минбари»  
каналига –  
[t.me/ishonchmurojaat](https://t.me/ishonchmurojaat)  
манзили орқали  
мурожаат қилинг.  
Сизнинг  
ишончингиз –  
биз учун муҳим!**



## 1 МАЙДАН КУЧГА КИРАДИГАН МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ АСОСИЙ ЎЗГАРИШЛАР

1

Жарималарга чегирмалар тақдим этилади.



2

Айрим қурилиш материаллари божхона божидан озод қилинади.



3

Ишсизларга ипотека кредитлари берилади.



4

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»даги шахсларга тўланган ҚҚС суммаси қайтарилади.



5

МҲТЭKM ва БҲM оширилади.



6

Жисмоний шахслар айрим воситачилик йиғимларидан озод этилади.



7

Ногиронлиги бор болаларнинг ота-оналарига меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.




8

Қуёш панелларини ўрнатиш бўйича талаблар кучга кирмоқда.



9

Жисмоний шахслар ўртасидаги пул ўтказмалар бўйича электрон ҳисобварақ-фактуралар расмийлаштирилади.



10

Банк ҳисобварақларини масофадан очиш имконияти яратилади.



11

Дори нархлари устидан мониторинг ўрнатилади.



12

Республиканинг барча ҳудудларида имтиёзли транспорт карталари берилади.



Манба: www.norma.uz



# ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ

«Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисида»ги қонуннинг тегишли моддасига мувофиқ, референдум ўтказувчи Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузилган 14 та округ комиссиялари томонидан баённомалар МСКга белгиланган тартибда тақдим этилди.

Батафсил ўрганиб чиқилган мазкур баённомалар «Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисида»ги қонуни МСК қарори билан тасдиқланган округ комиссиялари низоми талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда тўлиқ расмийлаштирилган, деб топилди.

Маълумотга кўра, комиссиянинг референдумга овоз бериш яқунларига таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликларга йўл қўйилган. 30 апрель куни ўтказилган референдумда 8-Сирдарё вилояти округидаги 226-сонли, 10-Тошкент вилояти округидаги 651-сонли ва 14-Тошкент шаҳар округи 772-сонли референдум участкаларида қоидабузарликлар аниқланган.

Жумладан, комиссия аъзосининг бир неча бюллетенни ўзи тўлдирётгани ҳамда улар томонидан бюллетенларни овоз бериш қутисига ташлаш, овоз берганлар сонини нотўғри кўрсатиш каби хатти-ҳаракатлар мазкур участкалардаги овоз бериш натижаларини шубҳа остига қўяди.

Шу сабабли «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасига биноан, овоз бериш чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли овоз бериш яқунлари Марказий сайлов комиссияси томонидан ушбу участкалар бўйича ҳақиқий эмас, деб топилди.

Яқуний ҳисоб-китобларга кўра, овоз берувчи фуқароларнинг сони

**19 722 809**

нафар, овоз бериш жараёнида иштирок этганлар

**16 667 097**

нафар ва уларнинг

**15 034 608**

нафари ёки 90,21 фоизи «ха» деб овоз берган.

**1 558 817**

нафари ёки 9,35 фоизи қарши овоз берган.

«Сиз «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунини қабул қиласизми?» деган саволга «йўқ» жавобини белгиланган 9,35 фоиз овоз берувчиларнинг 73 минг 672 та овози ҳақиқий эмас, деб топилган. Бекор қилинган рақамлар референдум натижаларига жиддий таъсир қилмаган.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА  
тайёрлади

# «ЖА»

## НЕЧА ФОИЗ БЎЛДИ?

РЕФЕРЕНДУМ КУНИ ЎЗ ЯШАШ ЖОЙИДА БЎЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛМАГАН ФУҚАРОЛАР УЧУН 2023 ЙИЛ 19-26 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА 611 МИНГ 320 НАФАР ФУҚАРО МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРДИ.

## Саудия Арабистонида Эрон элчихонаси очилди

Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Носир Қонуний IRIB агентлигига берган маълумотда қайд этилишича, Эрон элчихонаси Ар-Риёдда фаолиятини бошлаган. Шунингдек, Жиддада Эрон бош консулхонаси ва Ислом ҳамкорлиги ташкилотидagi ваколатхонаси ҳам очилган.

Эслаб ўтамиз: март ойи бошида Хитой воситачилигида Техрон ва Ар-Риёд дипломатик муносабатларини қайта тиклашга ҳамда икки ой ичида элчихоналар фаолиятини йўлга қўйишга келишиб олган эди.



## Террорчи ташкилот раҳбари йўқ қилинган



Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг қайд этишича, Туркия миллий разведкаси 29 апрель куни Сурияда «Ислом давлати» террорчи ташкилот етакчиси Абу ал-Хусайн ал-Қурайшийни йўқ қилган. Бу ҳақда хориж оммавий ахборот воисталари TRT Turk телеканалига асосланиб хабар тарқади.

Ўтган йили 30 ноябрда Пентагон Сурияда «Ислом давлати» террорчилик гуруҳи йўлбошчиси Абу ал-Хасан ал-Ҳошимий ал-Қурайшийни йўқ қилингани ҳақида маълум қилган эди. Ироқ махсус хизмати тарқатган маълумотга кўра, Абу ал-Хасан ал-Ҳошимий ал-Қурайший 2019 йилда Сурияда ўлдирилган жангариларнинг собиқ раҳбари Абу Бакр ал-Бағдодийнинг укаси бўлади.


# Оламда

## Онкологияда сунъий интеллект

Британиянинг «The Guardian» кундалик газетаси тарқатган хабарларга қараганда британиялик шифокорлар ўсма касалликларини эрта босқичда юқори аниқлик билан ташхислаш мақсадида сунъий интеллектни қўлади.

«Lancet eBioMedicine» журналида чоп этилган тадқиқотга кўра, сунъий интеллектнинг сўнгги модели янги пайдо бўлган аномал ўсмаларнинг саратонга хос ёки хос эмаслигини аниқ ташхислаш имконини беради. Технология шифокорларга касалликни тезда аниқлаш ва даволашни бошлашга ёрдам бери.

Эксперимент доирасида шифокорлар ўпкасида янги пайдо бўлган ўсмалар аниқланган 500 га яқин беморнинг компьютер томографияси натижаларидан фойдаланган. Сунъий интеллект, шунингдек, хавфли ўсмалар пайдо бўлиш хавфи юқори бўлган беморларни аниқлашга ёрдам берган. 22 та ҳолатдан 18 тасида нейрон тармоқ эрта аралашувни тавсия қилди, натижада янги пайдо бўлган ўсманинг хавфли экани тасдиқланган.





# АМАЛИЙ ИФОДАСИ

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI REFERENDUMI 2023



### Ўзбекистон Республикасининг МЕҲНАТ КОДЕКСИ

## 1 МАЙДАН ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ КУЧГА КИРДИ

«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган.  
Янги Меҳнат кодексига кўра, жумладан:

- Меҳнат шартномасида ходимни камситадиган шартлар бўлишига йўл қўйилмайди.
- Ходимларга иш ҳақи қисман сақланадиган қўшимча таътиллار берилиши мумкин.
- Меҳнатга натура шаклида ҳақ тўлаш тақиқланади.
- Аёлларга ҳомилани антенатал (туғруққача) парвариш учун қўшимча бўш кунлар берилди.
- Ишдан бўшатиш нафақаси 200 фоизгача тўланади.
- 3 ёшгача боласи бор аёлларни ишдан бўшатиш асослари кенгайтирилди.
- Дам олиш куни байрам кунига тўғри келса, кейинги кунга кўчирилади.
- Айрим тоифадаги ходимлар учун синов муддати 3 ойдан 6 ойгача узайтирилади.
- Иш берувчининг ходимдан меҳнат шартномасида шартлашмаган ишни талаб қилиши тақиқланади.
- Ходим ҳар хил малака талаб этиладиган ишларни бажарганда унга юқори малака бўйича ҳақ тўланади.
- Иш берувчининг бошқа талаб қилиши меҳнат шартномасини ўзгартиришга асос бўлади.
- Иш берувчининг бошқа талаб қилиши меҳнат шартномасини ўзгартиришга асос бўлади.
- Ишга қабул қилинаётган 18 ёшга тўлмаган шахсларга дастлабки синов белгиланмайди.

@ishonchuz\_official

### Сўз – халқаро кузатувчиларга

#### ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ УЧУН ЖУДА МУҲИМ ЖИҲАТ



**Доминик ТИЛМАНС**,  
халқаро кузатувчи,  
Бельгия:

– Мен Ўзбекистон ҳукумати томонидан референдумда халқнинг овоз бериши учун қулай шароит яратиб берилганининг гувоҳи бўлдим. Бу жараён эса демократик жамият учун жуда муҳим.

Халқ ташаббуси билан Конституцияга ўзгартириш киритилгани – демократиянинг очиқ кўриниши. Тўғри, ҳамманинг таклифи ҳам инobatга олинмагандир, лекин бу таклифларнинг кўпи қабул қилинган. Биз участкада овоз бериш учун қулай шароитлар яратилганини кўрдик.

#### ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРГА НАМУНА БўЛА ОЛАДИ



**Guido de СИМОНЕ**,  
халқаро кузатувчи,  
Италия:

– Мен халқаро кузатувчи сифатида Ўзбекистонда илк марта бўлишим. Кузатувчи сифатида шуни айта оламки, имконияти чекланганлар учун ҳам жуда яхши шароитлар яратилган. Бу борада Ўзбекистон ривожланган мамлакатларга намуна бўла олади. Умуман, юртингиз, жумладан, Бухоро ҳақида таассуротларим катта. Айниқса, одамларнинг меҳрибонлиги мени жуда таъсирлантирди.

#### МАМЛАКАТНИНГ ЯНГИ КЕЛАЖАГИНИ КўРМОҚДАМИЗ



**Мароғон Фернандо МАНУЭЛ**,  
Ўзбекистон – Испания  
муносабатларини ривожлантириш ассоциацияси раҳбари,  
Испания:

– Яратилган шароитлар жуда яхши. Эрталабдан сайлов участкаларининг ўзида туриб жараёнларни кузатиш имкониятига эга бўлдик. Одамлар сайлов участкасига келиб, бемалол ўз хоҳишлари билан овоз беришди. Бу жараёнлардан мамлакат ҳақида янги қарашларни ўрганиб олишимиз мумкин. Хусусан, референдум орқали биз Ўзбекистоннинг янги келажagini кўра оламиз.

#### ШАФФОФ МУҲИТ ЯРАТИЛГАН



**Чжан МИН**,  
Шанхай ҳамкорлик  
ташкilotи бош  
котиби:

– ШХТ вакиллари МСК таклифига биноан Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилиниши жараёнида кузатувчи сифатида иштирок этишди. Халқаро кузатувчиларнинг таклифи қилиниши референдумнинг очиқ ва шаффоф ўтишини таъминлайди.

ШХТ миссияси 12 нафар кузатувчидан иборат. Ўзбекистондаги турли хил сиёсий жараёнлар ва сайловларда қатнашиб келган ШХТ миссияси кузатувчилари мамлакатнинг амалий қонунчилигига риоя қилган ҳолда фаолият олиб борди.

Иш фаолияти давомида кузатувчилар Тошкент ва Тошкент вилоятида жойлашган 90 га яқин участкада бўлишди. Жараёнларда қатнашдик, шу билан бирга, овозларни санашда иштирок этдик. Ишчи комиссиялар ходимлари ва маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашдик.

Кузатувлар асосида шуни таъ-

кидламоқчимизки, барча ташвиқот ишлари қонунчиликка мос равишда аҳоли ва жамоатчиликнинг Конституцион чоралар ҳақидаги билимини янада оширишга қаратилган ҳолда олиб борилди.

Кузатувлар давомида ҳеч қандай шикоятлар бўлмади ва рўйхатдан ўтказилмади. Шу билан бирга, МСК улкан ташкилий ишларни амалга оширганини, фуқароларнинг эмин-эркин овоз беришига яхши шароит яратилганини таъкидлашни истардим. Булар имконияти чекланган фуқаролар учун ҳам тегишли бўлгани жуда қувонарли.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси референдуми миллий қонунчиликка ва халқаро нормаларга мос ҳолда очиқ ва шаффоф ҳолда ўтказилди. Ўзбекистон аҳолини бу каби муваффақиятли тайёрларлик ва муҳим жараён билан табриклайман.

#### ОДАМЛАР СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА БЕФАРҚ ЭМАС



**Аккан СУЙЕВ**,  
Туркия  
Республикасидаги  
«Magtaga group»  
жамғармаси раиси:

– Ҳар бир участкада аҳоли вакиллари кўтаринки кайфиятда иштирок этди. Айниқса, ёшларнинг фаоллигини кўриб қувондим. Биз ташриф буюрган участкаларда куннинг биринчи ярмида 50 фоиздан кўп овоз берувчилар ўз овозини бериб бўлгани ижобий ҳолат. Бу одамларнинг сиёсий жараёнга бефарқ эмаслигини намоён этди. Бугунги референдум Ўзбекистон халқининг келажagini учун у катта қадам, у катта мақсадлар сари йўл очди. Унда фуқаролар ўз хоҳиши билан қатнашиши жуда муҳим. Шундай экан, ўзбек халқига референдумнинг муваффақиятли ўтгани муборак бўлсин.

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI КОНСТИТУЦИЯСИ Тўғрисида»ги КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ Бўйича ўТҚАЗИЛГАН РЕФЕРЕНДУМ УЧУН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАГИ 55 ТА РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАЛАРИДА 307 МИНГ 895 МИНГ ФУҚАРО РўЙХАТГА КИРИТИЛГАН ЭДИ. ХОРИЖАДАГИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ЯРАТИЛГАН ШАРОИТДАН УНУМЛИ ФойДАЛАНИБ, ўЗЛАРИНИНГ ЮРТ КЕЛАЖАГИГА БЕФАРҚ ЭМАСЛИГИНИ КўРСАТДИ.



ЎЗА суратлари

# БУГУН...

### Номаълум газдан заҳарланиш

га.нинг хабар беришича, Ҳиндистонда тўққиз киши номаълум газдан заҳарланиб вафот этган. Воқеа Панжоб штатида юз бергани айтилмоқда. «Газ қаердан сизиб чиққан. Воқеа жойига Миллий табиий офатларга қарши кураш хизмати гуруҳи етиб келган, улар одамларни хавфсиз жойга олиб ўтиш ва қўтариш ишларини олиб боришмоқда. Мазкур ҳодиса оқибатида тўққиз киши ҳалок бўлган, 11 киши оғир аҳволда.

Маҳаллий ҳукумат маълум қилишича, газ сизиб чиқиши одамлар зич яшайдиган туманда содир бўлган, биринчи вазифа одамларни хавфсиз жойга кўчириш бўлган. Аини пайтда қандай газ сизиб чиқаётгани ва манбаи аниқланмоқда, дейлади хабарда.



### Гуманитар инқироздан хавотир

Суданда давом этаётган жанглар натижасида бутун Шарқий Африка минтақасида гуманитар инқироз юзага келиши мумкин, дея огоҳлантирмоқда БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури (WFP).

Германиядаги Жаҳон озиқ-овқат дастури директори Мартин Фрикнинг сўзларига кўра, бу мамлакатда урушлар бошланишидан олдин ҳам аҳолининг учдан бир қисми очликдан азият чеккан, ҳозир эса у ерда ҳамма нарса етишмаяпти, озиқ-овқат нархлари осмонга кўтарилган. Нархларнинг худди шундай ўсиши кўшни давлатлар – Чад ва Жанубий Суданда ҳам кузатилмоқда. Сомали яриморлида эса кетма-кет олтита ёмғирли фасл бўлмаганидан кейин кескин вазият юзага келмоқда.

БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури Судандаги шиддатли жанглар туфайли 7,6 миллион кишига ёрдам беришни тўхтатишга мажбур бўлган. 30 апрел куни – Судандаги можаро кескин кучайганидан икки ҳафта ўтиб – Халқаро Қизил Хочнинг биринчи самолёти ушбу мамлакатга кўнди. Ташкilotнинг таъкидлашича, борда Иорданиядан саккиз тонна ҳаётий зарур тиббий буюмлар, жумладан, жарроҳлик асбоблари, анестетик препаратлар ва боғловчи материаллар келтирилган.



### Хиросамада учрашув

Япония бош вазири Фумио Кисида АҚШ Президенти Жо Байден ва Жанубий Корея етакчиси Юн Сок Ёл билан Хиросамада уч томонлама учрашув ўтказишни режалаштирмоқда. Учрашув май ойида мўлжалланаётган «еттилик» гуруҳи саммити доирасида бўлиб ўтади. Бу ҳақда Јiji агентлиги Америка ҳукумати манбаларига таяниб хабар тарқатди.

Учрашувда уч томонлама ҳамкорлик ҳамда минтақавий муаммолар, КХДРнинг ракета-ядровий дастури ва Тайван атрофида юзага келган вазият муҳокама қилинади. Ушбу уч мамлакат етакчиларининг сўнги учрашуви худди шу форматда ўтган йилнинг ноябрида Камбоджада бўлиб ўтган эди.

Япония 2023 йилда G7 гуруҳига раислик қилмоқда. Мазкур «еттилик» саммити 19-21 май кунлари Хиросамада бўлиб ўтади. Саммитга, шунингдек, Ҳиндистон, Индонезия, Австралия, Жанубий Корея, Кука ороли, Комор ороллари, Бразилия ва Вьетнам етакчилари ҳам таклиф этилган.



**Сирдарё вилояти** | Тараддуд

# Сирдарё

## БАХШИЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА



**ШУ ЙИЛНИНГ 6-8 МАЙ КУНЛАРИ СИРДАРЁДА III ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТАДИ. УНДА 52 ДАВЛАТДАН 150 НАФАР, ЮРТИМИЗ ҲУДУДЛАРИДАН ЭСА 800 НАФАРГА ЯҚИН БАХШИ, ОҚИН ВА СОҶА ХОДИМЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИ.**

Сирдарё бахшилар юртимиз? Фестиваль нега айнан Сирдарёда ўтказилмоқда? Ахир Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида ижро йўллари ва услублари билан танилган бахшичилик мактаблари мавжуд. Қорақалпоғистон ва Хоразмда ҳам дostonчилик ижрочилиги оммабоп. Сурхондарё ва Қорақалпоғистонда фестиваллар бўлиб ўтганди. Энди навбат Сирдарёга...

Кимга маълум, кимга йўқ, қадимда Мирзачўл дея аталган ва бугун ўзининг 60 йиллигини нишонлаётган Сирдарё вилоятида ҳам бахшилар бўлган. Улардан бири Мурод бахши Отабой ўғлидир. У 1892 йили ҳозирги Гулистон туманидаги Қўйботган қишлоғида туғилган. Отаси чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланган. Мурод ўн ёшида онасидан айрилади. Ўн бир ёшида Андақулбой деган тоғасиникига бориб, уй юмушларига қарашиб юради. Кейинги йили Кўнчи қишлоғидаги бир бойнинг эшигида хизмат қила бошлади.

Муроднинг уйларига Суяр бахши, Мати бахшилар келиб туришарди. Ёш Мурод улардан кўп нарсани ўрганади. Умри Сирдарё соҳилларида ўтган бахши шу она заминни куйлаб ўтди. У ўттизга яқин дostonлар, ўланлар, юзга яқин эртақлар айтди. Юраги илҳом билан тўлиб-тошган бахши айтимлари билан эл кўнглини чоғлади. Кейинчалик ҳамқишлоқларидан ота-бола Гулмуродовлар бахшининг изидан кетишди. Саидаҳмад бахши Гулмуродовни Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги кексалар жуда яхши эслашади. Бахши «Гўрўғли», «Алпомиш» дostonларини куйлаб, жуда кўп давраларни яйратган. Ҳозир Саидаҳмад бахшининг фарзанди Саидмурод Гулмуродов ва набиралари Дилмурод ҳамда Элмурод вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган барча тадбирларда кўхна санъат намуналарини ижро этиб келишмоқда.

Сирдарёлик Шоберди Болтаев, Боборайим Маматмуродов, Абдуназар Поёнов, Қора бахши Умиров, Шомурод Тоғаев, Қодир бахши Раҳимовлар қаторига энди навқирон бахшилар қўшилмоқда. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида бахшичилик йўналишлари фаолияти йўлга қўйилиб, устоз бахшилар ёш авлодга ушбу санъат сирларини астойдил ўргатишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майда эълон қилинган «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган халқаро анжуман Гулистон шаҳридаги Тўра Сулаймон номидаги амфитеатрда бошланиб, сўнг вилоят бўйлаб кенг қулоқ ёзгач, яна шу ерда ниҳояланиши ҳам бежиз эмас. Мирзагулистон булбули, дея таъриф берилган ва ҳамюртлари фахрланган Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ўзбек адабиётида ўзига ҳос мактаб яратган ижодкор. У Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ўғли анъаналарини ёзма равишда давом эттирган куйчи. Сирдарё воҳасини ҳали ҳеч бир ижодкор бу шoir сингари маромига етказиб куйлаган эмас. Гарчи кўлига дўмбира олмаган бўлса-да, шеърлари созларга ҳамоҳанг тушган, кўшиқ қилиб куйланган.

Ҳадемай Гулистонда дўмбира садолари янграйди ва бу гўзал гўша меҳмонлар билан гавжум бўлади. Меҳмондўст сирдарёликлар эса анжуманнинг кутилганидан ҳам зиёда ўтишига тараддуд кўриб қўйишган.

Баҳор ХОЛБЕКОВА «ISHONCH»

**ЭРТАГА ЖАҲОН МАТБУОТИ ЭРКИНЛИГИ КУНИ ДУНЁ МИҚЁСИДА КЕНГ НИШОНЛанаДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН БИЗ ЖУРНАЛИСТИКА СОҶАСИДА КўП ЙИЛЛАрдАН БУЁН ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛАётГАН айРИМ ҲАМКАСБЛАРИМИЗГА ҚУЙИДАГИ САВОЛЛАР БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛДИК:**

1. Ўзбекистонлик журналистлар қандай муаммоларга кўп дуч келишмоқда?
2. Сизнингча, журналистика тўртинчи ҳокимиятга айланяптими?
3. Ҳамкасбларимиз қандай хатоларга йўл қўйишмоқда?

Навбахор КАРИМОВА, «Ўзбекистон 24» телеканали журналисти:



1. Биз дуч келадиган муаммолардан бири ёзган мақолам ёки тайёрлаган кўрсатувим эълон қилинса, менга қандай муносабатда бўлишди, деган ички кўрқув билан яшашимиздир. Иккинчи муаммо жамиятдаги хато-камчиликлар бўлиб, барчамизни ўйлантиради. Улар ҳақида тахлил мақола ёки кўрсатув тайёрлашга шайлансангиз, гарчи матбуот котиблари бўлса-да, жуда кўп ташиқлотлар эшиклари сизга ёпиқ эканини кўрасиз. Айрим давлат ташиқлотлари ҳамон ОАВ учун очик эмас. Ахборотни олган тақдиримизда ҳам тайёр мақола ёки кўрсатувни оммага тақдим этишдан олдин бизга кўрсатинг, деган норасмий талабларга дуч келамиз. Бундан ташқари, биз ҳар доим кимнингдир қоши-қовоғига қарашимиз ва вақти билан ҳисоблашимиз керак.

Агар журналистикани тирик организмга қиёсласак, унинг айрим аъзолари фалажланиб бормоқда. Лекин мени қувонтирадиган бир нарсаси бор, у ҳам бўлса, журналистиканинг калби ва юраги ҳали ўлмаган. Уни сақлаб қолиш ва ривожлантириш лозим.

Соҳамиз муаммоларини, ҳамкасбларимиз хато-камчиликларини танқид қиладиганлар кўп. Албатта, танқид қилиш осон, энг қийини эса камчиликни бартараф этиб, ижобий натижага эришишдир. Ҳозирги шaroитда журналистлар бир қадам олдинда юриб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Журналистика соҳасида ижод қиладиганларга Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига омадлар тилайман.

2. Маълум бир соҳаларда, тeлeca-тeлeбpaнca раҳбарлар журналистлар танқидидан сўнг муаммо юзасидан улар билан ҳисоблашмоқда. Айримлари омма олдига чиқиб, камчиликларни юзасидан ҳисобот беришмоқда. Лекин шундай раҳбарлар ҳам борки, танқидга нисбатан «Қўлингдан келганини ва билганини қил» қабилида иш тутишади. Баъзилари танқидга умуман муносабат билдиришмайди.

Бундан қатъи назар, умидсизликка тўшмаслик керак. Чунки тўртинчи ҳокимият бўлишига учун имкониятлар бор. Айниқса, Президентимиз биз томонда экани ҳаммамизни қувонтиради. «Агар ўринли танқид бўлса, журналистлар ёнидаман» деган заплари ҳаммамизга куч ва ишонч бағишлайди.

Умуман олганда, тўртинчи ҳокимият учун ҳаракат бор, лекин биз ўз вазифаларимизни тўлиқ бажара олмаппиз, деган фикрданман.

Гулмира МУСАЖОНОВА, журналист:

1. Муаммолар талайгина. Чунки, ҳозир ахборот олиш осон эмас. Журналистлар учун улар истаган даражада очиклик йўқ. Раҳбарлардан интервью олиш ҳамон мушкул. «Хат билан чиқинг» деган талаблар ҳалиям мавжуд. Устига-устак, журналистларда эркинлик этишмайди, ўзларига ишончи ҳам ҳаминқадар. Катта аҳамиятга эга тадбирларда улар раҳбарларга «Илтимос, интервью беринг», деб муражаат қилишади. Аслида тадбирни ёритиш фақат журналист учун керак эмас. Демак, у иймнамаслиги, дадил бўлиши зарур.

Яширининг ҳолати йўқ, бугунги кунда жамиятнинг журналистларга ишончи ва ҳурмати сустайган. Бунга ҳамкасбларимизнинг ўзлари ва тизим айбдор. Агар журналистика мураккаб бўлса ва ҳеч кимга қарам бўлмаса, унинг нуфузи ошади. Агар журналистика бажариши керак бўлган вазифаларни аниқ бажарса ва бунга жамиятнинг ўзи тўққинлик қилмаса, соҳада самарадорлик ошади. Оддий мисол, ҳар бир давлат стратегия аҳамиятга эга буюнларини ўзи белгилаб, рўйхат тўзган. Ҳар қайси таҳриратий ходими қарларда суратга олиш тақиқланганини билди ва шунга қараб режа белгилайди. Бизда эса бундай рўйхат йўқ. Кўрсатув тайёрлаш учун бутун жамоа билан борсангиз, «Кечирасиз, бизнинг бунда суратга олиш тақиқланган», дейишади. Аслида ўша буюн стратегия объект ҳисобланмаслиги, мутасаддилар ахборот олишига тўққинлик қиладиган бўлишлари ҳам мумкин.

Бизни қийнайдиган энг асосий муаммолардан яна бири ички цензурадир. Мавзунинг ҳафтабав ўрганиб, тарафларини тинглаб тайёрлаган мақоламиз ёки кўрсатувимиз «папи юлган» ҳолатда оммага тақдим этилади. Бу журналистлар обрўсига путур етказиши. Энг муҳими, хато-камчиликларга йўл қўйган масъуллар бир четда қолиб, муаммони кўтариб чиққан ва ҳақ гапни айтган журналист жазоланмаслиги керак.

2. Тўртинчи айтсам, ҳозирча матбуот тўртинчи ҳокимият бўла олгани йўқ. Мабодо, жамият ривожланиши ҳоҳласа, чин маънода демократик давлат бўлиши истаसा, матбуот эркин бўлиши керак. Сўз эркинлиги бўлмас экан, у ўз вазифасини тўлиқ бажара олмайди.

# Ҳамкасбларимизни қандай муаммолар кўпроқ қийнамоқда?

Демократиясиз, сўз эркинлигисиз матбуот матбуот эмас.

3. Журналист, аввало, ўзини танқид қилиши керак. Мен тележурналистман ва шу йўналишда кўран-билганларим ҳақида запираман. Билимимиз сазелиги, савиямиз пастлиги, масалага чуқур ва жиддий қарамаслик, ўртамаңлик, профессионаллик этишмаслиги экранда яққол кўринади. Илмювий ва услубий хатоларга тўла матнлар ёзишади. Тез-тез кўл учида кўрсатув тайёрлаб оммага тақдим этишади. Аслида тележурналист билимининг узлуксиз ошириб бориши, ҳам нутқи, ҳам қалами устида ишлатиш лозим.

Ҳўи, катта мавзуларни ёритишимизга нималар халақит беради? Менимча, биринчи навбатда, ичимиздаги кўрқув. Мен Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тугатганман. 1-босқич талабаси эканлигимда амалиёт ўтатиш учун телевидениега борардик. Бош муҳаррир матн ва сценарийларимизни ўқиб, «ўтади, ўтмайди»-га ажратарди. Бинобарин, биз ўша пайтлардаёқ цензурага дуч келганми. Кейин ўзимиз «Фалон мавзудаги кўрсатувим эфирга кетмайди», деган тушунчани онгимизга синдиришга одатландик. Оқибатини эса кўриб турибсиз.

Эндилкида бизга яхши маънодаги цензура керак. Ўзингизда ички цензура бўлса, касбингиздан шахсий манфаатларингиз йўлида фойдаланмайсиз. У бизни ахборотни ноҳилис ёритишдан ҳам қайтаради.

Юлдуз ОЛИМОВА, журналист:



1. Журналистларнинг энг кўп учрайдиган муаммоларидан бири давлат ташиқлотларидан ахборот олишининг қийинлигидир. Тўғри, сўнги йилларда аксарият ташиқлотларда ахборот хизматларини ташиқлот этиши, уларнинг мақомини ошириш бўйича қатор ишлар қилинди, ижобий ўзгаришлар бўлди. Аммо журналистлар айрим ташиқлотлардан ўзларини қизиқтирган маълумотларни тезкорлик билан олишда турли қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бу муаммо, менимча, ташиқлот раҳбарларига боғлиқ. Агар улар замонавий фикрлайдиган ОАВ билан ҳамкорликни устувор деб билсалар, ортиқча маимаша келиб чиқмайди. Борди-ю, эскича фикрлайдиган бўлсалар, ўша ташиқлотларга эшиги журналистлар учун ёпилади, уларга маълумотларни тақдим этиши ҳар хил баҳоналар билан пайсалга солинади.

Билишимча, АОКА томонидан турли ташиқлотлар ахборот хизматлари ходимлари фаолиятини рейтинг баҳолаш тизими йўлга қўйилган. Биз ҳудди шундай тизим ташиқлотлар раҳбарларига нисбатан ҳам жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблаймиз. Чунки журналистлар расмий манбаалардан тезроқ маълумот олиш ва уни аҳолига иссиғида етказиш тарафдорларидир. Маълумот олиши эса, бирор ташиқлот раҳбарининг хоҳиши-иродасига боғлиқ бўлмаслиги ва тизимли ташиқлот этилиши керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан ҳамкасбларимиз бошини қувонтириши, уларнинг малакасини ошириши, ҳақ-хўқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар жуда суст даражада олиб бориляпти. Айтмайлик, бирор журналистнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ноҳуш воқеа рўй берганда, бу уюшманинг борлиги деярли сезилмайди.

2. Бу саволга қисман «Ҳа!» деб жавоб бераман. Негаки, айрим журналистлар кўтаран муаммолар ҳуқумат ва тегишли ташиқлот-идоралар томонидан муҳокама қилинляпти. Лекин, афсуски, бундай танқидий ва танқидий-таҳлил мақола, журналистик суриштирувлар жуда кам.

Журналист ўз вазифасини бажариши жараёнида жамоатчилик назоратини амалга оширувчи шахс бўлиши керак. Ривожланган давлатларда коррупцион жиноятларнинг асосий қисми ҳуқуқни муҳофаза қилишчи органлар томонидан эмас, айнан журналистик суриштирувлар сабабли фош бўлиши амалиётда маълум. Қалаверса, бизда тўртинчи ҳокимият бўлиши учун ҳамма имкониятлар етарли. Шундай экан, фақат изланиш ва самарали ижод қилиши керак.

3. Йиллар давомида ура-урчилик муҳитида фаолият юритган ўзбек журналистикаси ҳали-ҳануз ўша қобқидан чиқишга ҳаракат қиладигани йўқ. Журналист тарғиботи эмас, аммо аксарият ОАВ вакиллари қайсидир ташиқлотнинг пиар компанияси вазифасини бажариб келишмоқда. Ушбу вазифа учун ҳозир вазирилк ва идораларда алоҳида штат, яъни матбуот котиби бор. Шунга қарамай, соҳани, тизимни таҳлил қилмай, ташиқлот томонидан ёзилган пресс-релизни кўчириб фаолият юритётган журналистлар ҳам талайгина. Матбуот хизмати тайёрлаган материални эфирга узатиш – бу журналистика эмас. Расмий манбадан олган маълумотларга таяниш ўринли, аммо унда журналистнинг ўз услуби, таҳлили, тақлифи, танқидий назари бўлиши лозим.

Камчиликлардан яна бири бу айрим журналистларнинг бирон-бир мавзунинг ёритиши жараёнида ҳолислик тамойилидан четга чиқишидир. Аслида бу тамойил ўта муҳим бўлиб, журналист аҳолига маълумотлар етказиш асосий ўз манфаатини кўзламаслиги, шахсий қарашларини биринчи ўринга қўймаслиги шарт.

Сирасини айтганда, ҳар бир оммавий ахборот воситаси иқтисодий жиҳатдан эркин бўлиши керак. Давлат томонидан молилаштирилдиган журналистика эса биз истаймизми-йўқми, ҳолис бўла олмайди.

Феруза РАҲИМОВА «ISHONCH»

**Тошкент шаҳри**

**Корея энергетика агентлиги ижрочи директори Жү Муоунг Сеон бошчилигидаги делегация Аджу университетиди бўлди.**

Ҳамкорлик доирасида ушбу олий ўқув юрти қошида «Энергетика бўйича эксперт тайёрлаш маркази»ни ташкил қилиш бўйича келишувга эришилгани, унда энергетика вакиллари энергия тежамкорлиги соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириши айтиб ўтилди.

Тадбир жараёнида корейлик профессор ва мутахассислар, олий таълим муассасалари проректорлари, маҳаллий ҳокимлик вакиллари иштирок этди.

Мадаминбек ўРОҚБОВЕВ, Тошкент шаҳридаги Аджу университети 3-босқич талабаси

**Халқаро ҳамкорлик**

## АДЖУДА ЭНЕРГЕТИКА БЎЙИЧА ЭКСПЕРТ ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ ОЧИЛАДИ

кида университет ҳудудига ўрнатилган қуёш панелини ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.

Мадаминбек ўРОҚБОВЕВ, Тошкент шаҳридаги Аджу университети 3-босқич талабаси

**МУАССИС:**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5008 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimshat SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G' OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

**Bosh muharrir**  
Husan ERMATOV

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 406-43-24  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-99) 889-90-28  
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Sizdondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**Navbatchi muharrir**  
A.Haydarov

**Musahhhilar:**  
O. Bozorova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi**  
H. Abdullajilov

**Bosishga topshirish vaqti** – 02:00  
**Topshirildi** – 02:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzillik:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

**Tahririyat hisobraqami:**  
2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «ipoteka bank»  
Yashnobod filiali, bank kod: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma **G-513**  
Nashr ko'rsatkichi: **133**  
1 2 3 4 5 6

**Umumiy adadi 31183**  
14510 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
**Korxonani manzili:** Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.